O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PARLAMENT KUTUBXONASI INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL 15 OKTABR
SESHANBA
№ 128 (26.987)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

2002 йил 14 октябрь куни Ўзбекистон ХДП МК Котибиятининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги (янги таҳрирда) Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасидаги иштироки ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Йиғилишда мазкур қонунлар лойиҳаларини партия фаоллари ва бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида ҳамда партиядан депутатлар сайланган округларда сайловчилар орасида муҳокама этилишини ташкил қилиш, партия матбуоти нашрларида уларнинг умумхалқ муҳокамасининг боришини мунтазам ёритиб бориш, Марказий Кенгаш ва ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси ҳамкорлигида қонунлар лойиҳалари бўйича «давра суҳбатлари»ни ўтказиш, тушган таклифларни умумлаштириш, уларни белгиланган тартибда партия фракцияси йиғилишида кўриб чиқиш учун киритиш вазифалари белгилаб олинди.

Шунингдек, йиғилишда партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

■ ЎзХДП МК матбуот хизмати

ПРЕЗИДЕНТНИНГ БУХОРО ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИГА САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 октябрь куни жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни билан танишиш учун Бухоро ва Қашқадарё вилоятларига ташриф буюрди

Президентнинг Бухорога сафари тасаввуф оламининг буюк намояндаси Хожа Баҳоуддин Нақшбанд мажмуини зиёрат этишдан бошланди.

Юртбошимиз ташаббусига биноан 1993 йили Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллик тўйи халқаро миқёсда нишонланган ва шу муносабат билан бу улуғ зотнинг қаровсиз, вайрона бўлиб ётган қадамжоси мутлақо янгитдан таъмирланиб, атрофида муҳташам ёдгорлик мажмуи бунёд этилган, кенг кўламда ободончилик ишлари амалга оширилган эди. Шундан буён ўтган вақт мобайнида зиёратгоҳ янада чирой очиб, нафақат халқимизнинг, балки бутун мусулмон оламининг муқаддас зиёратгоҳига айланди.

Давлатимиз раҳбари Вобкент туманидаги Ином Наимов номидаги ширкат хўжалигида бўлиб, пудратчилар, деҳқонлар билан самимий суҳбатлашди. Уларни ўйлантираётган муаммолар, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш борасидаги фикрлари билан қизиқди.

Президент Ислом Каримов Ғиждувон тумани марказида буюк аллома — Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллик юбилейига тайёргарлик жараёни билан танишди. Шаҳардаги Мирзо Улуғбек мадрасаси ва Абдуҳолиқ Ғиждувоний мақбарасидаги таъмирлаш ишларини кўздан кечирди. Келгуси йили Абдуҳолиқ Ғиждувоний юбилейи халқаро миқёсда кенг нишонланади. Шу муносабат билан Ғиждувон шаҳрини янада ободонлаштириш, шаҳар марказида аллома номидаги боғ барпо этиш кўзда тутилган. Бу борадаги ишларни ўз муддатида ва сифатли бажариш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

Талаба ёшларнинг «Универсиада-2002» республика мусобақалари арафасида «Бухоро» стадиони қайта таъмирланиб, Марказий Осиёдаги энг гўзал спорт иншоотларидан бирига айлантирилган эди. Ислом Каримов ана шу улкан спорт иншоотини кўздан кечирар экан, унинг жаҳон андозаларига тўла жавоб беришини таъкидлади, бу ерда келгусида нуфузли халқаро мусобақалар ўтказиш учун барча имкониятлар мавжуд эканига эътибор қаратди.

Бухоро вилояти ҳокимлигида вилоят фаоллари иштирокида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоятда қишлоқ хўжалиги ислоҳотларини янада жадаллаштириш, мулкчиликнинг турли шаклларини кенг жорий этиш, хусусан, фермер хўжаликлари учун барча шарт-шароитлар яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш хусусида гап борди. Бу борадаги ишлар юзасидан маҳаллий раҳбарларнинг ахборотлари тингланди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов Шаҳрисабз шаҳрига келди. Ўзининг 2700 йиллик шонли тўйига ҳозирлик кўраётган бу қадим шаҳар тарихий-меъморий обидаларга бой. Ўтган йили ЮНЕСКО уни Жаҳон маданий мероси дурдоналари рўйхатига киритиб, ўз муҳофазасига олди.

Ислом Каримов шаҳарнинг соҳибқирон Амир Темур номи билан аталувчи майдонида бўлди. Майдон марказида буюк саркарданинг улуғвор ҳайкали қад ростлаб турибди. Буюк бобокалонимиз гўё юбилей муносабати билан шаҳарда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига мамнуният билан назар ташлаб тургандек.

— Амир Темур ҳазратларининг ушбу ҳайкалини барпо этишда кўп жиҳатлар ўйланган, — деди Ислом Каримов. — Аввало, у ягона сиймо, таъбир жоиз бўлса, ягона образ сифатида миллат ғурурини ифода этиши лозим эди. Бугун бу муаззам ҳайкал куч адолатда эканини барчага намойиш этиб турибди. У асрлар давомида мағрур қад кўтариб туриши аниқ.

Президентимиз майдон атрофини ободонлаштириш, у ерда ўзига хос муҳит яратиш борасидаги фикрларини ўртага ташлади.

Шуни таъкидлаш керакки, юбилей арафасида Соҳибқирон бунёд этган Оқсарой ёдгорлиги ва унинг атрофида улкан таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ислом Каримов Оқсаройдек мўъжизакор ёдгорликни сақлаш ва авайлаб-асраш барчамизнинг асосий вазифаларимиздан бири эканлигини қайд этаркан, келгусида уни нафақат тиклаш, балки жаҳонга кенг намойиш этиш лозимлигини таъкидлади.

Ислом Каримов Кўк гумбаз масжидини зиёрат қилди. Юбилей муносабати билан бу ерда ҳам кенг кўламда таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

— Биз маданий меросимизни тиклаш, авлодларга етказиш учун қайғуришимиз, дунёга кўз-кўз этиш учун ҳаракат қилишимиз керак, — деди Президентимиз. — 600 йиллик силсила ҳар қандай обидага ўз таъсирини ўтказиши муқаррар. Лекин биз бундай таъсир оқибатини бартараф этишга, аждодларимиз меросига юксак эҳтиром кўрсата олишга қодир эканимизни намойиш қилишимиз зарур.

Президент Шайх Шамсиддин Кулол, Амир Темурнинг ўғли Жаҳонгир Мирзо мақбараларини, Соҳибқирон ўзига атаб қурдирган саганани ҳам зиёрат қилди. Уларни таъмирлаш юзасидан фикр-мулоҳаза билдирди.

Жаҳонгир Мирзо мақбараси ва Ҳазрати Имом масжиди ёнида бир неча асрга гувоҳ бўлган улкан чинорлар қад ростлаб турибди. Ислом Каримов бу асрий чинорларнинг ҳар бирига махсус лавҳа қўйиш лозимлигини уқдирди.

— Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, — деди Президент, — муқаддас жойдагина дарахтлар шундай барқ уриб ўсади, яшнаб туради.

Давлатимиз раҳбари Шаҳрисабздаги обидаларни кўздан кечиргач, Қарши шаҳрига келди. Бу ерда Қашқадарё вилояти фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Бухоро ва Қашқадарё вилоятларига сафарида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари И.Жўрабеков, Х.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов ҳамроҳлик қилди.

■ (ЎзА)

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

ҲАМКОРЛИК ВА ҲАМДЎСТЛИК – МУАММОЛАР ЕЧИМИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Тожикистон пойтахти Душанбега — «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти саммити ҳамда Халқаро Оролни қутқариш жамғармасига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари билан бўлган учрашувга ташрифини — ҳамкорлик ва ўзаро англашувнинг ҳамда умумий муаммолар ечимининг ягона йўлини топиш борасидаги навбатдаги олий даражали учрашувга ташриф, деб баҳолаш ўринли бўлур эди.

Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизида янгича шаклда ташкил топган демократик тузилма — «Марказий Осиё ҳамкорлиги»нинг тор доирадаги суҳбатлари билан бошланган мазкур учрашувда даставвал икки ва кўп томонлама муносабатлар, минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилди. Унда ҳар галгидек, бундан кейин ҳам аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига таянилган ҳолда кенг кўламли мулоқотлар ўтказиб бориш, умумий муаммоларга ечим топишга келишувлар ва маслаҳатлар орқали эришиш лозимлиги юзасидан фикрлар алмашилди. Ҳамжамият фаолияти эндиликда илгаригидек фақат иқтисодиёт билангина чекланиб қолмай, унинг негизида ташкил топган янги ташкилот бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорликни ривожлантириши зарурлиги уқтирилди.

(Давоми 2-бетда)



САВОБ

Савобдир, жилғага сойсан, деб айтсанг,
Ё хунук аёлга ойсан, деб айтсанг.
Бойни камбағал де, хурсанд бўлади,
Камбағалга эса бойсан, деб айтсанг.

Абдулла ОРИПОВ,
2002 йил 10 октябрь.

ХАЛҚИМИЗ СИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАДИ



Сергей МИХАЙЛОВ



Ўткирбек ҲАЙДАРОВ

14th Asian Games BUSAN 2002

Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ниҳоясига етган навбатдаги Осиё ўйинларида спортчиларимиз мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя этишди. Ўйинлар дастуридаги 38 спорт турининг 23 тасида қатнашган ҳамюртларимиз 15 та олтин, 12 та кумуш ва 24 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида қирқ уч(!) давлат орасида фахрли бешинчи ўринни эгаллашди.



Рустам САИДОВ



Икром БЕРДИЕВ

Айниқса, боксчиларимиз юксак матонат ва жасорат намойиш этишди. Ўзбекистонимиз шарафи учун рингга чиққан ўн нафар боксчимиздан саккиз нафари ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олди. Уларнинг беш нафари олтин, бири кумуш, иккиси бронза медалларига сазовор бўлди.

Шунингдек, теннисчи қизимиз Ирода Тўлаганова қитъада тенги йўқлигини яна бир бор исботлади. У ўйинлар қаҳрамонларидан бири деб тан олинди.

Газетамизнинг ўтган сонида ўйинларда дастлабки олтин медалларни қўлга киритган чемпионлар суратларини эълон қилган эдик. Бугун навбатдаги қаҳрамонларимиз билан таништирамиз.

(Давоми 4-бетда)

Дилшод МАҲМУДОВ

Осиё ўйинларида Ватанимиз байроғи 51 марта юқори кўтарилди

Ирода ТЎЛАГАНОВА

ЎТГАН ҲАФТА:
ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

ҲАМКОРЛИК ВА ҲАМДЎСТЛИК – МУАММОЛАР ЕЧИМИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Масалан, ҳамжамият мамлакатларига қўшни Афғонистонда ҳали-ҳануз ечимини топмаган талайгина масалалар бугунги кунда ҳеч кимни лоқайд қолдирмаслиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Президентимиз бу мамлакатда террорчилик ўчоқлари яксон қилинган бўлса-да, наркотик моддалар муаммоси бартараф этилмаганлигини яна бир бор эслатиб ўтди.

Юртбошимиз Афғонистон ҳукуматининг 10 та кўприкни тиклашда кўмак сўраб ёзган хатига жавобан Ўзбекистонда кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўзлаб, мазкур кўприклар нафақат Афғонистонга, балки минтақамиз мамлакатларига ҳам манфаат келтиришини таъкидлаш билан бирга, бу ҳаракатда ҳамжамият ҳамкорлиги жуда-жуда зарурлиги таклифини билдирди. Таклиф аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан якдиллик билан маъқулланди ва у саммитнинг якуний ҳужжатига алоҳида банд қилиб киритилди.

Оролни қутқариш муаммосига бағишланган саммитда наинки минтақамиздаги, балки бутун дунёдаги, хусусан Европа иқлимидаги ўзгаришларда Орол денгизи ҳалокатининг таъсири қай даражада эканлиги таҳлили ҳам асосий ўрин эгаллади. Юз берган вазиятни ўнглаш йўлидаги ишларда жаҳон мамлакатлари ҳамкорлиги ривожланиши, келаси йилнинг сентябрида Душанбеда Оролни қутқариш жамғармасининг 10 йиллиги муносабати билан халқаро конференция ўтказилиши юзасидан келишувлар имзоланди. 2003-2010 йилларга мўлжалланган амалий ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш вазифалари белгиланди. БМТнинг 2003 йилни «Жаҳон чучук сув йили» деб эълон қилганлиги — айни шу минтақадаги мамлакатлар раҳбарларининг ташаббуси билан бўлганлиги саммитда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўтган ҳафтанинг муҳим воқеаларидан яна бири — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) саммити бўлди. Унда МДҲ органлари фаолиятини такомиллаштириш, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, Ҳамдўстлик доирасида ахборот макони ва эркин савдо зонаси яратишга доир масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, хавфсизликни таъминлаш, террорчилик, наркотик моддалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш каби ўта муҳим ишлар юзасидан ўзаро келишувларга эришилди.

Президентлар халқаро сиёсатга доир бошқа мавзуларда ҳам ўзаро фикр алмашиб, Ҳамдўстлик аксилтеррор марказининг Марказий Осиё бўйича бўлимини очиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Чегара соҳасидаги ҳамкорлик такомилига эътиборталаб вазифалар қўйилди. Жиноятчиликка қарши кураш борасида 2003-2004 йилларга мўлжалланган қўшма чора-тадбирларнинг дастури маъқулланди ва қўшма аксилтеррор тадбирларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисида протоколлар имзоланди.

Ўтган ҳафтанинг энг муҳим воқеалари сифатида тилга олинган мазкур учрашувлар, шубҳасиз давлатлараро муносабатларни ривожлантиришда, сиёсий, иқтисодий, маданий, ижтимоий ҳамкорликни янада тараққий топтиришда ва минтақавий хавфсизликни таъминлашда катта моҳият касб этади. Қисқа қилиб айтганда, бўлиб ўтган саммитлар ҳамкорлик ва ҳамдўстлик ҳар қандай муаммолар ечимида ҳал қилувчи омил, ҳал қилувчи йўл эканлигини кўрсатди.

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

ТАНИШУВ

БРЮССЕЛДА ЎЗБЕК САНЪАТИ НАМОЙИШИ

Брюссель шаҳрининг энг ҳашаматли концерт залларидан бири – «Консер Нобль»да Ўзбекистонга бағишланган кеча бўлиб ўтди. Маросимга йиғилганлар шу ерда ташкил этилган кўргазма пештахталаридан ўзбек халқи санъати ва унинг маданий мероси билан танишдилар.

Мазкур кўргазма қанотларидан биридан жой олган Наманган ва Марғилон атласлари, бухоролик қўли гул чеварларнинг зардўзи тўн ва дўппилари, Риштон усталарининг кулолчилик намуналари меҳмонларни ўзининг сержило ранглари билан баҳраманд этган бўлса, иккинчи қанотда намойиш этилган Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги тарихий обидаларни акс эттирувчи фотосуратлар эса ташриф буюрганларга Ўзбекистон билан яқиндан танишиш имкониятини яратди.

Айни пайтда, «Офарин» ўзбек миллий чолғу асбоблари ансамбли ижро этган миллий ва халқ қўйлари, хонанда Зулайҳо Бойхонова ижросидаги «Мунажот» қўшиғи, Муаззам Фофурованинг хоразмча рақслари ва Абдуҳошим Исмоиловнинг ғижжак наволари байрамга ўзгача шукуҳ бағишлади.

■ **Жўра ДЕҲҚОНОВ,**
«Жаҳон» АА
Брюссель.

САНА

Кеча бутун жаҳон мамлакатлари қатори Ўзбекистон Стандартлаштириш Агентлиги жамоаси ҳам Халқаро стандартлаштириш кунини нишонлади.

Дарвоқе, 14 октябрь ҳар йили дунё бўйича Халқаро стандартлаштириш куни сифатида нишонланаётганига 56 йил бўлди. Мамлакатимиз мустақилликка янада такомиллаштиришда стандартлаштириш (таъбир жоиз бўлса, андозалаш) муҳим халқаро аҳамиятга эга. Бутун дунё аҳли халқаро стандартларни бозор эшигини очиб берадиган калит сифатида тан олиб, уни иқтисодий муваффақиятларнинг гарови, деб билишининг боиси ҳам шунда.

СТАНДАРТЛАШТИРИШ – БОЗОР ЭШИГИНИНГ КАЛИТИ

эришгач, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Стандартлаштириш, метеорология ва сертификатлаш маркази ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 мартдаги қарори билан вужудга келган мазкур марказ стандартлаштириш ва сифатни бошқариш соҳасида фаолият юритиб, «Ўздавстандарт» деб ном олди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Стандартлаштириш Агентлиги деб юритилаётган бу нуфузли ташкилотнинг асосий вазифаси — ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни бозорга чиқаришнинг зарурий шарти сифатида уларнинг хавфсиз ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш меъёрларига мувофиқлигини тасдиқлашдир.

Шу нуқтаи назардан, товарлар ва хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда уни

— Ўтган қисқа давр ичида «Ўзстандарт» Агентлиги текширув ва назорат идорасидан маҳсулотлар ва хизматлар сифати рақобатбардошлигини оширишда ишлаб чиқарувчига яқиндан кўмак берувчи марказга айланиши республикамиз ҳаётида диққатга молик жараён, — дейди Агентликнинг Стандартлаштириш ва минтақавий сиёсат бошқармаси бошлиғи Р.Ҳусанов. — Мутахассисларимиз томонидан кўрсатилаётган амалий ва услубий кўмак сифат ва самарадорликнинг юқорилаб боришига сезиларли туртки бўлаётганлиги биз учун қувончли ҳол. Қолаверса, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун қўшаётган баҳоли қудрат ҳиссамиз билан фахрланамиз.

■ **Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА**

«ОБУНА — 2003»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» – СУҲБАТДОШИМ, ЙЎЛДОШИМ

Ҳаётим деҳқончилик билан боғлиқ. Кўп йиллардан буён қишлоқда яшаб, далада ишладим. Истиқлол туфайли мен сингари қўли қадоқ кишиларга имконият эшиклари очилди. Оиламиз — ўғил-қизларим ва турмуш ўртоғим билан бамаслаҳат «Истиқлол» фермер хўжалигини ташкил этдик. Икки гектар ерда деҳқончилик қилиб буғдой ва пахтадан мўл ҳосил олдик. Меҳнатимиз қадри кўринди. Еримизни кўпайтирдик.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллиги нишонланган шукуҳли кунларда пахта топшириш режасини бажардик. Ҳали ҳосил мўл. Йиғим-теримни жадал давом эттираяпмиз.

Меҳнат муваффақиятларимиз ҳақида гапирганда оғиру енгилимизга ҳамнафас бўлган вақтли матбуот нашрларини ўйлайман. Айниқса, «Ўзбекистон овози» юртимиздаги ибратли ишларни маромига етказиб кўрсатиши, айрим нуқсон ва камчиликларни дадил ошкор этиши билан эътибор қозонган. Газетанинг ҳар бир янги сонини интиқлик билан кутамиз.

Куз пахта йиғим-терими билан бир қаторда обуна мавсуми ҳамдир. Буни эътиборга олиб «Ўзбекистон овози»га обуна бўлдик. Бир йил давомида суҳбатдошимиз, яхшиликлар йўлдоши бўлган газета билан кўришамиз. У орқали республикадаги, қолаверса, дунёдаги воқеа-ҳодиса ва янгиликлардан хабардор бўлиб борамиз. Бу эса бизнинг замон билан ҳамқадам яшашимизни кафолатлайди.

■ **Тоҳиржон РАЖАПОВ,**
Олтинкўл туманидаги «Истиқлол» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи

ЛИДЕР АЁЛЛАР АНЖУМАНИ

ХДП ҲАЁТИДАН

Дунё тажрибасидан шу нарса маълумки, аёл жамият тараққиётида етакчи кучдир. Халқ демократик партияси сафларида ҳам аёллар салмоқли ўрин эгаллайди. Республика хотин-қизлари нодавлат ташкилотлар фаолиятида лидерликка эришяптилар. Шундан ҳам Халқ демократик партияси лидер аёллар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, анъанавий тадбирлар ўтказиб келяпти. Айниқса, ХДП Сирғали туман кенгаши биринчи котиби Лола Исматованинг саъй-ҳаракатларини эътироф этиш ўринлидир.

Яқинда ХДП Сирғали туман кенгаши, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман халқ таълими бўлими, маҳалла хотин-қизлар қўмитаси, «Шарқ аёли» халқаро жамғармаси ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигида «Оила равнақи — давлат равнақи» мавзуида лидер аёллар анжуманини ташкил этди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, лидер аёллар ўз тадбирларини очиқ давра суҳбати шаклида олиб боришди. Сўзсиз, бу лидерларга туман хотин-қизлари билан самимий суҳбат қуриш, қизғин баҳс-мунозарага киришиш имконини яратди.

«Шарқ аёли» халқаро аёллар жамғармаси раиси Саодат Турсунбоева: «Аёл кўнглида меҳр уммони билан кучли. Биз муаммоларни шу куч билан ечамиз», — дея сўз олганда йиғилганлар жонланиб кетишди.

Дарҳақиқат, бугунги ўтиш даврининг ўзига хос муаммолари хотин-қизларни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Туман маҳалла аёллари вакиллари лидерлар билан қизғин мунозара давомида шундай муаммолар ечимини топишга ҳам уриндилар. Зангиота туманидаги «Шарқ истиқлоли» шўъба корхонаси раҳбари Шукуржон Рўзметованинг гилам, пахта, сунъий тола йигириш, жунга ишлов бериш каби цехларда янги иш ўринлари очилиши ҳамда унинг касаначиликни ривожлантириш ҳақидаги таклифи барчада қизиқиш уйғотди.

Туман маҳалла хотин-қизлари орасида фидойи тадбиркорларнинг иши таҳсинга лойиқ. Шукур Бурҳонов номли маҳалла қўмитаси раиси Маҳфуза Тешабоева ўз хонадонида олти йилдан бери нақ-қошлик тўғараги очиб, ҳозир 20 нафар ёшларга бепул ҳунар ўргатиб, шахсий намуна кўрсатяпти.

— Мақсадим ўсмирлар бекор юрмасин, касб-ҳунар ўргансин дейман, — дейди Маҳфуза. — Яна бир ниятим — заргарлик, ўймакорлик тўгаракларини очиш, шунинг саъй-ҳаракатидамман.

Йиғилиш жараёнида тадбиркорнинг таклифини «Шарқ аёли» халқаро аёллар жамғармаси вакиллари қўллаб-қувватлагани масала ечимига туртки берди.

Сирғали туман лидер аёллари анжумани қатнашчиларининг бу амалий тадбирига М.Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмасининг «Етти гўзал» гуруҳи ижросидаги дилрабо куй, рақслар файз киритди.

■ **Саида САЙХУН,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 15 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	465,28
1 Англия фунт стерлинги	1331,56
1 Дания кронаси	113,47
1 БАА дирхами	232,08
1 АҚШ доллари	852,31
1 Миср фунти	183,49
1 Исландия кронаси	9,78
1 Канада доллари	537,40
1 Хитой юани	102,98
1 Малайзия рингити	224,32
1 Польша злотийси	206,87
1 СДР	1124,88
1000 Туркия лираси	0,52
1 Швейцария франки	576,66
1 ЕВРО	842,59
10 Жанубий Корея вони	6,76
10 Япония иенаси	68,83
1 Россия рубли	26,91
1 Украина гривнаси	159,92

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу кийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН...»

Газетамизда «Долзарб мавзу» рукни билан чоп этилган (2002 йил 19 сентябрь) «Номи янги, ишлари эски ёки коммунал хизмати соҳасидаги қонунбузарликлар, суиистеъмолчиликлар ҳамда кўп қаватли уйларда яшовчилар нега коммунал хизмат ҳақини ўз вақтида тўламаётгани ҳақида» номли таҳлилий-танқидий мақола эълон қилинган эди. Унда асосан кўп қаватли уйлар йиллаб таъмирланмаётгани, қиш мавсумида иситиш тизимлари яхши ишламаётгани, коммунал хизмат кўрсатиш агентлиги хизмати талаб даражасида эмаслиги ҳақида мулоҳазалар билдирилганди.

Биринчи жавоб хатини Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси Бош директорининг биринчи ўринбосари Қабул ФАРМОНОВдан олдик.

«Мақола шу йил 23 сентябрь куни Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси ходимлари йиғилишида ва 25 сентябрда ҳокимликнинг коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналари, туманлардаги коммунал таъмирлаш, аварияни тиклаш хизмати идоралари раҳбарлари билан биргаликда шаҳар штаби мажлисида ўрганиб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Дарвоқе, мақолада шаҳримизнинг катта-кичик ҳар бир фуқаросига тегишли энг «оғрик» масалалардан бири — коммунал хизматларни бугунги кун талаблари даражасига кўтаришга тўсқинлик қилаётган муаммолар тилга олинган.

Унда айтилганидек, уй-жойлардан фойдаланиш бўйича собиқ давлат корхоналари тугатилиб, уларни бошқаришни уйларнинг ҳақиқий эгаларига топшириш, яъни уй-жой мулкдорлари ширкатларини ташкил этиш жараёнидаги муҳим ишларга айрим жойларда бефарқ қаралган. Баъзи ширкатларга нопок, соҳани тушунмайдиган ёки илгари шу соҳада ишлаб, ўзини оқламаган кимсалар яна раҳбар бўлиб қолган ҳоллар юз бергани сир эмас. Ана шундай кишилар етакчи бўлган ширкатларда ҳар хил суиистеъмолчиликларга, қонунбузарликларга йўл қўйилган.

Мақола бошида келтирилган хизмат ҳақларининг тўхтовсиз ошиб бораётгани тўғрисида билдирилган фикрларга шуни айтиш жоизки, иссиқлик, иссиқ ва совуқ сувларга тўлов ҳақлари ширкатлар ташкил бўлишидан анча илгари ва ундан кейин ҳам бир неча бор ўзгарди. Бозор иқтисодиётига ўтгунга қадар аҳоли иссиқлик ва иссиқ сувни ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш таннархларининг 20 фоизинигина тўларди. Қолган қисми эса бюджет ҳисобидан қопланарди. Ҳукуматимиз қарори билан бу хизматлар эндиликда тариф харажатлари бўйича 100 фоиз истеъмолчилар ҳисобидан қопланадиган бўлди. Бу тартибга ўтиш албатта босқичма-босқич белгиланган бўлиб, унинг ижроси кўзланган режалар асосида олиб борилмоқда.

Шуни очиқ айтиш керакки, бугунги кунда ҳам иссиқ сув ва иссиқлик етказиб беришга кетган харажатларнинг ярмидан кўпини ҳануз давлат ўз бюджетидан қоплаб келмоқда. Харажатлар қиймати — электр энергия, газ ва бошқа моддий ресурсларни тежаш ҳамда улардан унумли фойдаланиш бўйича қилинаётган ишларга қарамай, уларнинг нархи иш ҳақининг ўсиб бориши билан баб-баробар ўсиб бораяпти.

Тўғри, тўловларни вақтида ва тўлиқ тўлаб борган истеъмолчи ҳар доим ҳақ. Шунинг учун ҳам у юксак сифатли хизмат кўрсатишни талаб қилишга ҳақли. **Бироқ, бугунги кунда (2002 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра) аҳолининг коммунал хизматлари ва фойдаланиш харажатлари бўйича дебиторлик қарзлари тегишли тарзда 2572,2 миллион ва 449,8 миллион сўмни ташкил қилади. Аксарият ҳолларда, шикоят қилаётган фуқароларнинг айнан ўзлари коммунал хизмат тўловларини бир неча ойлаб, ҳатто йиллаб тўламаётган фактлар учрамоқда. Улар шаҳар бўйича юз минглаб хонадонларни ташкил этса-да, бошқалар қатори иссиқлик, иссиқ ва совуқ сувдан тенг фойдаланиб келишаяпти.**

Шу ўринда савол туғилади: ширкатлар қайси маблағ ҳисобига вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиши керак? Ҳолбуки, бунга аҳоли томонидан фойдаланиш харажатлари учун тўловлар вақтида ва тўлиқ тўлансагина эришиш мумкинлигини наҳотки тушуниб етмасак?

Табиийки, фойдаланиш харажатларининг тўловлари тўлиқ ва вақтида тўланаётган ширкатларда ишлар олдинга силжимоқда. Масалан, Мирзо Улуғбек туманидаги «Хумоюн», Сирғали туманидаги «Жаҳонаро гулдаста» ва бошқа ўнлаб уй-жой мулкдорлари ширкатларида нафақат жорий таъмир ишлари, балки қишга тайёргарлик юмушлари ҳам вақтида, сифатли бажарилмоқда. Уй-жойларнинг умумий фойдаланишга мўлжалланган қисмларини (томлари, муҳандислик тармоқлари, уй йўлаклари ва ҳоказо) капитал таъмирдан чиқариш ишлари қатъий режа асосида олиб бориляпти. Мазкур ширкатлар ва уларнинг раҳбарлари ўта масъуллик билан уй-жой эгалари, маҳалла қўмиталари ҳамда фаоллари ҳамжиҳатлигида иш юритиб, хизмат сифатини замонавий талаблар даражасига кўтариш устида муттасил изланмоқдалар. Мавриди келганда айтмоқ керак, газета келгусида фаолиятимизнинг ана шундай яхши томонларини ҳам ёритса, деган истагимиз бор.

Шаҳар ҳокимияти ва ҳудудий фойдаланиш бирлашмаси йўл қўйилган ва мақолада кўрсатиб ўтилган барча хато-камчиликларни тузатиш борасида қатъий чоралар кўрмоқда. Чунончи, раҳбарлари ўзгараётган, қайта тузилаётган ва янгидан шаклланаётган ширкатларга бундан кейин масъулиятсиз, нопок одамлар раҳбарлик лавозимларига сайланиб қолмаслиги учун Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки иштирокида 2002-2003 йилларда иссиқлик манбалари ва уларни етказиб берувчи тармоқларни юқори самарали асбоб-ускуналар ва қувурлар билан алмаштириш бўйича ҳам ишлар бошлаб юборилди. Уй-жойларга коммунал хизматлари кўрсатувчи барча корхоналарни 2002-2003 йилги куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича шаҳар ҳокими қарори билан тасдиқланган режа бўйича иш олиб борилмоқда. Режа тадбирларининг ижроси шаҳар штаби мажлисларида мунтазам кўриб чиқилмоқда, шунингдек, қўшимча чора-тадбирлар ҳам белгиланаётир.

Тўғрисини айтганда, шунча саъй-ҳаракатларга қарамай, хизматлар сифати ҳозирча нафақат аҳолини, балки соҳа раҳбарларини ҳам қониқтирмаяпти. Буни тан оламиз!

Шу боиски, тармоқда янгича ишлаш тизимини яратиш устида ҳали кўп ишлар қилишимиз керак. Лекин, «қарс икки қўлдан...» деганларидек, уй-жой мулкдорлари (хонадонларнинг соҳиблари) ҳам қанчалик ўзларининг эгалик ҳуқуқлари, бурчлари ва мажбуриятларини тез тушуниб етсалар — муаммолар ечими ҳам шунчалик тезлашган бўлар эди.»

ТАҲРИРИЯТДАН:

мақолада кўтарилган масалалар вақтида ўрганиб чиқилгани ва таҳририятимизга батафсил жавоб берилгани учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси раҳбариятига миннатдорчилик билдирамиз.

Тўғриси, мақола эълон қилингандан сўнг ҳам мухбирларимиз мазкур масалани шаҳар миқёсида ўрганишда давом этишди. Қатор турар-жой мавзелари ва даҳалари аҳолиси билан суҳбатлар ўтказишди. Учрашувларда маълум бўлдики, қишки мавсумга тайёргарлик юзасидан пойтахтимизда бир қатор ибратли ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Айрим мавзелар ҳамда даҳалар аҳолиси биноларнинг қишга тайёргарлигини шахсан шаҳар ва туман раҳбарлари келиб кўришаётгани, тегишли таъмирлаш ишлари амалга оширилаётганлигини мамнуният билан айтишди.

Тўғри, муаммолар ҳам етарли, аммо уларнинг ечими маблағга бориб тақалади... Айни шу ўринда «Қарс икки қўлдан...» деганларидек, мавжуд муаммолар ечимида истеъмолчиларнинг ҳам айби борлигини айтиб ўтмоқ лозим. Коммунал хизмати ҳақини тўламаслик аҳволни яхшиламайди, аксинча янада оғирлаштиради.

Коммунал хизмат кўрсатиш аҳволи вилоятларда қандай? Газетамизнинг яқин орадаги сонларидан бирида бу ҳақда ўқийсиз.

АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 900 ЙИЛЛИГИГА

ҲАЗРАТ ХОЖАИ ЖАҲОН

РУҲИДАН МУНАВВАР ҒИЖДУВОН

Қадим Бухоронинг кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарларидан бири — Ғиждувон бугун ажиб ифтихор билан яшаяпти. Ўзининг бағрида ўсган, мусулмон дунёсида беқиёс нуфузга эга бўлган тасаввуф илмининг йирик намояндаси, хожагон тариқатининг асосчиси Абдуҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига тараддуд бошлаб юборилган. Бултур ЮНЕСКО сессиясида ҳазрат юбилейини ўтказиш таклифи халқаро муҳим саналар тақвимига киритилганлиги ҳам катта аҳамият касб этади. 2003 йилда нишонланиши кўзда тутилаётган катта тўйга ҳар бир ғиждувонлик муносиб совға билан боришга интилмоқда.

Айтишларича, етти мўъжизанинг бири саналган Бухорои шариф кечкурунлари ўзидан мунаввар нур таратаркан. Ана шу камалаксимон нур уни ҳар қандай офатдан, балоқазодан муҳофаза қиларкан. Бунинг устига бу табаррук масканда хилқат топган азиз авлиёлар, зоти шарифлар пок руҳидан ҳам дарак бераркан. Буюк ипак йўлида жойлашган, узоқ тарихга эга бўлган Ғиждувон ҳам Бухоро каби жаҳонга машҳур бўлиб келган. Тарихий манбаларда бу ўз аксини топган. Кексаларнинг гувоҳлик беришларича, шаҳар катта қўрғондан иборат бўлиб, унда карвонсаройлар, зиёратгоҳлар бисёр бўлган. Атрофидан иккита рўд — Қалқон ва Пермаст оққан. Ҳозир фақатгина Пермаст ариғи сақланган. Эски қўрғонда ўша даврда бунёд этилган ҳаммом, уйлар саноқли қолган. Азим гумбазлар авлоди ёшарган.

— Шаҳар номининг топономикаси хилма-хил, — дейди шаҳар ҳокими Шуҳрат Ҳайдаров, — қамишзор довон, ғиштли девор, девлар макони, деб тахмин қилинган. Аммо X асрлардан буён Ғиждувон йирик аҳоли маркази — шаҳар сифатида ёзма адабиётларда қайд этилиб келинади. Биз ана шу ерда туғилган улуғ бобокалонимиз, пиру устоз Абдуҳолиқ Ғиждувоний ҳазратлари билан чексиз фахрланамиз, номига муносиб бўлишга интиламиз.

Хўш, Хожа Абдуҳолиқ ким бўлган, у кишидан бизга қандай мерос қолган?

— Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний 1103 йилда Ғиждувон даҳасида таваллуд топган, — дейди тарих фанлари номзоди, доцент Нарзулло Йўлдошев. — У кишининг оталари Хожа Абдулжамил Румий Раҳматуллахи Алай имом номи билан машҳур бўлганлар. Ул зот ўз замонасининг алломаси — зоҳирий ва ботиний илмларнинг сардори ҳисобланган.

Хожа Абдуҳолиқ ҳаётини Оллоҳ йўлига бағишлаб, фарз ва суннат амалларини бажариш каби улуғ ибодатда шуҳрат топади. Йигирма икки ёшида, Бухорода баланд мақом, бутун шарқ оламида номи машҳур шайх Абу Ёқуб Юсуф Ҳамадоний билан учрашиб, унинг муридига айланади. Кўп илм ўрганади. Бутун ҳаёти давомида «Рисолаи соҳибия», «Рисолаи шайхушшуюх Ҳазрати Абу Юсуф Ҳамадоний», «Мақомати Хожа Юсуф Ҳамадоний», «Аз гафтар Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний» каби буюк асарларни яратиб, бизга мерос қолдирган. Хожа Абдуҳолиқ устози Ҳамадонийнинг таълимотини ҳар томонлама бойитади ва амалиётга зикри хуфияни олиб киради, хожагонлик тариқатининг саккиз рашҳа — қонун-қоидасини шакллантириб беради.



Тарихий манбаларда ёзишларича, Абдуҳолиқ Ғиждувоний етмиш олти йил умр кўрадилар. Ана шу давр мобайнида ул буюк зот «сарҳалқаи силсилаи Нақшбандия» деган таърифга сазовор бўлганлар. Зеро, дунёда бугун машҳур бўлган Нақшбандия тариқати хожагонликдан унибўсган.

— Шўролар даврида табаррук зиёратгоҳ — Абдуҳолиқ Ғиждувоний қабрлари топталди. Мирзо Улуғбек қурдирган мадраса дон бозорига айланди. Чиллахона бузиб ташланди, тошқудуқдан сув ичиш ман қилинди, — дейди биз билан суҳбатда Обида Ҳамроева. — Аммо бу муайян вақтни эгаллаганди, халқ ўз эътиқодига қарши бормади, зиёратгоҳни обод этишга бел боғлади.

Шаҳарнинг кунботар томонидаги муқаддас зиёратгоҳ ҳар куни гавжум бўлади. Катта йўлдан ўнгга бурилиб, мармар йўлакдан одимларкансиз, кўнглингиз енгил тортади. Зоти шариф мақбарасини зиёрат қилиб, Қуръон тиловат этсангиз, руҳингиз покланади. Мадраса олдидаги кўҳна қудуқдан бир пиёла сув ичсангиз танангиздаги дардни унутасиз, Яратганга шукрлар айтасиз. Қайтишингизда ўша узун бўйли, катта бошли, қалин қошли, буғдой рангли, гўзал юзли, меҳрибон улуғ зот сизга нималарнидир васият қилаётгандек туюлади: «Қуйидаги беш хусусиятга — дарвешликни бойлик деб билмоғон, оддий ўринни фахрий ўрин деб билмағон, илмни нодонлик деб ҳисоблағон, ўзининг пинҳону ошкор ишларини сарҳисоб қила олмайдиғон, охиратни унутғон одамлар ила ўрток ва оға-ини бўлмағил!»

Шаҳар айланиб қайтгач, туман ҳокими Толиб Кудратовни суҳбатга тортдик.

— Ғиждувоннинг тарихий обидалари, миллий ҳунармандчилиги, ширмой нони-ю, балиқ сихкабоби довруғи оламга кетган, — дейди фахр билан у. — Ерга қадасангиз — косов кўкаради, оддий лой мўъжизага айланади. Сабаби, пирларнинг дуоси кетган маскан. 240 минг аҳолининг ҳаммаси ҳунарли. Бозоримиз шунинг учун сероб ва арзон. Шаҳримиз Ғиждувоний ҳазратлари юбилейи баҳонасида янада чирой очяпти. Аллома мақбараси ўрнида янги мажмуа барпо этилиши бўйича танлов эълон қилганмиз. Улуғ юртдошимизга аталган хиёбон 5,5 гектарлик боғ билан уйғунлашади. Бундан ташқари, эски шаҳар кўринишини сақлаб қолган ҳолда 25 гектарли бош лойиҳа асосида қурилиш ишлари олиб борилади. Яна бир йилдан кейин Ғиждувонни таний олмайсиз.

Ҳа, ғиждувонликларнинг асрий орзулари ушалади энди. Улуғ шайхнинг бой таълимоти, одамларни лол қолдирган кароматлари расман тан олинаяпти. ЮНЕСКО қарори боис унинг тарихи чуқур ўрганилади, асарлари кенг китобхон мулкига айланади. Алломаи замон Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг муборак руҳини шод этишга бош бўлаётганлар эса асло кам бўлмайдилар.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАДАНИЯТ

Конституциявий маданият, аввало маданиятнинг, қолаверса, жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг муҳим бир қисми ва белгиси ҳисобланади. У ҳуқуқий маданиятнинг шундай қисмики, фақатгина конституция мавжуд бўлган мамлакатлар учун тегишлидир.

Конституциявий маданият кенг ва теран тушунча. Уни бир нечта йўналишга бўлиш мумкин.

Биринчидан, бу фуқароларнинг конституцияни яратиш жараёнида бевосита ва изчил ташаббуси ҳисобланади. Конституцияни қабул қилиш жорий қонунларга қараганда ўта мураккаб ва кенг қамровли. Бу кенглик қуйидагиларда намоён бўлади: Конституция парламентдаги депутатлар корпусининг 3/2 қисм овозини олгандан кейин қабул қилинади. Депутатларнинг сиймосида бутун халқ иродаси ифода этилади; конституция қабул қилинишида қонунчилик ташаббуси субъектлари бўлганлар доираси Конституциянинг 82-моддасида белгиланганидек, давлат органи билан эмас, балки фақат субъект билан, Президент ва Олий Мажлис билан чегараланиши лозим. Чунки Конституциянинг 10-моддасига биноан Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Президенти иш кўриши мумкин.

Иккинчидан, конституцияни ҳуқуқий давлатсиз, ҳуқуқий давлатни эса конституциясиз тасаввур этиш қийин. Ҳуқуқий давлатнинг субъектлари конституцияга ишонишлари, унинг ҳимоясидан унумли фойдаланишлари керак. Улар яшаш тарзини бирон-бир мансабни эгаллаб турган қариндошига, ошна-оғайнисига ишониб эмас, аксинча конституцияга ва қонунларга ишониб давом эттирмоқлари лозим.



Учинчидан, давлат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг олий даражадалиги муҳимдир. Ўзбекистонда давлат тизими шундай ташкил этилганки, у жамият ва фуқаролар билан ўзаро алоқада. Алоқадорлик давлат ҳокимиятининг халқ томонидан ташкил этилишида, халқ ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлигида (7-модда), халқ номидан, фақат у томонидан тўғридан-тўғри сайланган Президент ва Олий Мажлисгина иш кўра олишида (10-модда) намоён бўлади. Шунингдек, халқ ва давлатнинг ўзаро муносабатларда бир-бири олдида ўзаро масъул эканлиги (2-модда) ҳам муҳимдир. Масалан, давлат фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатини, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга мажбур. Айни пайтда фуқаролар ҳам давлатни қўриқлашга, конституция ва қонунларни ҳурмат қилишга, ўз ҳуқуқ ва бурчларини адо этиш жараёнида бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишга мажбур ҳисобланади.

Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг олий даражада бўлиши айнан улар ўртасидаги муносабатларнинг қонуний, изчил ва унумли олиб борилишидан келиб чиқади.

Тўртинчидан, аҳоли томонидан конституция талаблари сўзсиз бажарилиши даркор. Бу тушунча қонунийлик тамойилининг мазмуни ва моҳияти билан тўла мос келади. Конституция ва қонунларга ҳар бир шахс итоат этмоғи, унинг талаблари чегарасида ҳаракатланмоғи керак.

Бешинчидан, инсон ва фуқароларнинг конституцияни қўриқлаши ва ҳимоя қилиши. Фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш билан конституциянинг устунлиги ва барқарорлигини таъминлайдилар. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасида тегишли ҳимоя институтлари ташкил этилган. Бу хоҳ давлат органлари, хоҳ нодавлат органлари бўлсин, уларга тегишли вазифаларни адо этишлари учун барча демократик шарт-шароитлар яратилган. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — Омбудсман, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти, Президент ҳузуридаги фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш комиссиялари ва бошқа ташкилотлар шулар жумласидандир. Инсон ва фуқаролар ўз конституциявий ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси йўлидаги ҳаракатлари «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун асосида амалга оширилади ва тартибга солинади.

Умуман олганда, конституциявий маданиятни ҳар бир фуқаро авваламбор ўзида шакллантирмоғи, иродасини конституция билан уйғунлаштириши ва уни доимий одат даражасига етказмоғи лозим. Зеро, конституциявий маданиятни ҳар бир шахс ўзида шакллантириши учун конституцияга эътиқод қўйиши, унга ишониши, унга эргашиши ва ундан фойдаланиши шарт.

■ **Ўткир МУҲАМЕДОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Конституциявий ҳуқуқ кафедраси адъюнкти**

СОҒЛИГИНГ — БОЙЛИГИНГ!

Шу йил 17-18 октябрь кунлари Тошкентда Ўзбекистон неврологларининг III қурултойи бўлиб ўтади. Қурултойни ўтказишдан мақсад — соҳада учраётган касалликларнинг олдини олиш борасида қилиниши керак бўлган амалий ишлар хусусида кенгашиб олишдир. Шу муносабат билан мухбиримиз неврологлар уюшмаси раисининг ўринбосари, профессор Озод ХЎЖАЕВ билан суҳбатда бўлди.

АСАБНИ АСРАГАН ЎЗИНИ АСРАЙДИ

— Озод Исчанович, аввало, неврологларнинг II қурултойидан кейин неврология соҳасида бўлаётган ўзгаришлар ва ютуқлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз?

— Дарҳақиқат, кейинги ўн йил ичида кўп ўзгаришлар қилинди. Тиббиёт соҳасида чуқур ислоҳотлар ўтказила бошландики, бу жараён неврология фани ва хизмати аҳволига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Жумладан, қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатувчи пунктларда ишлайдиган шифокорларга неврология асосларини ўргатиш эҳтиёжи туғилди. Иккинчидан, республикамизнинг барча ҳудудларида ташкил қилинган тез тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини малакали неврологлар билан таъминлаш зарурати пайдо бўлди. Бу борада Соғлиқни сақлаш вазирлиги олий ўқув юртларида, илмий текшириш институтларида ва жойларда катта ишлар олиб борди.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, мустақиллигимиз туфайли тиббиётнинг, жумладан неврология фани ва хизмати тизимининг моддий-техника базаси ҳам анча мустаҳкамланди. Масалан, илгари республикамизда асаб касалликларини ташҳис қилишда катта аҳамият касб этадиган компьютер томографлар атиги 2 та эди. Ҳозир эса уларнинг сони фақат Тошкент шаҳрининг ўзида 15 тадан ошиб кетди ва вилоятларга ҳам бориб етди.

Натижада мия ўсмалари, яллиғланиш жараёнлари, мия томирлари касалликларини, умуртқа поғонаси ва ўнлаб бошқа асаб касалликларини ташҳис қилиш, самарали даволаш имкониятлари ошди.

(Давоми 4-бетда)

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

ИЗЛАНГАНГА ИМКОН БОР

— ДЕЙДИ НУКУСДАГИ САНАЦИЯГА ТУШИБ ҚОЛГАН ТАЖРИБА-ТЕХНИКА ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ ДИРЕКТОРИ ОЛЛАМБЕРГЕН БОБОНАЗАРОВ

Тажриба-техника таъмирлаш заводи Қорақалпоғистонда қолоқ корхоналардан бири эди. Бу ерда қишлоқ хўжалигида, айниқса сув иншоотларида кўп ишлатиладиган техникани капитал ва жорий таъмирлаш ишлари бажариларди. Кейинги йилларда меҳнат интизоми бўшашди. Режаларнинг бажарилиши назоратсиз қолди. Завод иқтисодий заифлашди. Экскаватор, бульдозерлар, насос ва бошқа техникаларни таъмирлаш учун буюртмалар бажарилмади.

Заводдаги ишларни тубдан яхшилаш учун биринчи навбатда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, янги технологияни жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, таъмирланган техника сифатини яхшилаш, муҳими билимдон, изланувчан, ташаббускор, ташкилотчи раҳбар зарур эди.

1998 йилнинг бошида Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси депутати Олламберген Бобоназаров заводга директор этиб тайинланди. У ишни корхонада шароитни яхшилашдан бошлади. Ҳар бир ишчига муомала, муносабат ўзгарди.

— Ишчиларга яхши шароит яратиб берилса уларнинг кайфияти ҳам яхши бўлади, — дейди О.Бобоназаров, — демак, кўзланган мақсад ҳам шунга яраша бўлади.

Заводнинг технология жараёнлари қайта кўздан кечирилиб ўрганилди. Уларни қайта тиклаш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлашда барча имкониятлардан кенг фойдаланилди. Кўп ўтмай завод меъёрида ишлайдиган бўлди.

Мана, бир йилдан ошдики, «Нукус-реммаш» заводи очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айланган. Завод эндиликда халқ хўжалиги учун зарур техника ва механизмларни таъмирлаб, эҳтиёт қисмлар, андозали буюмларни етказиб бермоқда. Экскаватор, трактор ҳамда двигателларни капитал ва жорий таъмирлаш цехида иш қизғин.

Корхона эришаётган ютуқларда ЎзХДП аъзоларининг улуши катта. Партиядошлардан П.Мамбетов, А.Дарменов, А. Емельянов, С. Жақсимуратов, С. Жадигеров, П. Мамутовлар намуна кўрсатишмоқда.

Қарияларни қадрлаш йилининг ўтган саккиз ойида 120 миллион 200 минг сўмдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Соф фойда эса беш миллион 207 минг сўмдан ошди. Бу маблағ ҳисобидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, технологияни янгиси билан алмаштиришга эътибор қилинади. Уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган, кўп болали ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларга, ногиронларга 235 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Заводнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва маҳсулот ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш, сифатини яхшилаш учун ибратли ишлар қилинмоқда. «Олтой» ҳайдов трактори ва унинг двигателини таъмирлаш ишлари ўзлаштирилди. «Кейс» комбайни, «Магнум» тракторларининг деталлари ишлаб чиқарилмоқда. Завод жамоаси йил охиригача камида 201 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни кўзлаб турибди.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН ЁҒДУЛАНАР

Республикамизнинг кўпгина жойларида бўлаётгани каби Давлат-тижорат Халқ банкининг Самарқанд вилоят бошқармасида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан икки авлод учрашуви бўлиб ўтди. Банкнинг муҳташам ҳовлисида тизимда ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилиб, фидойилик кўрсатган нафақадаги отахону онахонлар таклиф этилиб, уларга эҳтиром кўрсатилди.

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, оқу қорани англаган нуронийлар банк ходимларига ўзларининг ҳаёт тажрибаларини сўзлаб бердилар. Бир пиёла чой устида давом этган учрашув куй-қўшиқларга уланиб кетди.

— Мазкур тадбирдан кўнглим тоғдек кўтарилди, — дейди меҳнат фахрийси Баҳром Мамаражабов. — Чунки, мана шу байрамона тадбир сабаб шогирдлар, дўстлар ва устозлар дийдорлашдик.

Тадбир сўнггида қарияларга банк жамоаси томонидан эсдаликлар улашилди.

■ **Фахриддин АБДУҲАМИДОВ**

МИЛИЦИОНЕРЛАР ДАХЛДОР

Чеченистонда Грозний шаҳрининг Заводская ички ишлар бўлими биносида рўй берган террорчилик ҳаракатига алоқадор бўлган кишилар ушланган. Бош прокуратура бошқармаси бошлиғи Владимир Кравченконинг сўзларига кўра, уларнинг барчаси «милицияга дахлдор кишилар экан». Кравченконинг тахминича, террорчилик хуружи ички ишлар бўлими бошлиғига қарши қаратилган, у бўлимда кадрлар сиёсатини ўтказа бошлаган. Тергов фикрича, ишдан бўшатилиши мўлжалланаётган милиционерлар портлашни амалга оширган. 25 киши мазкур террорчилик хуружининг қурбони бўлган.

ҚУРБОНЛАРНИНГ КЎПЧИЛИГИ — ХОРИЖЛИКЛАР

Индонезиянинг Бали оролидаги тунги клубда рўй берган учта портлаш натижасида камида 182 киши ҳалок бўлган, 300 киши жароҳатланган. Қурбонларнинг кўпчилигини хорижликлар ташкил этади. Полиция маълумотларига қараганда, ана шу учта террорчилик хуружи қарийб бир вақтнинг ўзида содир бўлган. Ҳозирча бирон-бир террорчилик гуруҳи портлатишлар учун жавобгарликни зиммасига олмаган. Портлаш марказида чуқурлиги бир ярим метр, айланаси тўрт метрлик хандақ ҳосил бўлган.

ПЕНТАГОНГА ТАЛАБНОМА

Федерал тергов бюроси яқинда армиядан бўшатилган ва снайперлик тайёргарлигидан ўтган эркаклар ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш ҳақидаги талабнома билан Пентагонга мурожаат этган. Бундан ташқари Пентагоннинг Форт-Брегг (Шимолий Каролина штати)даги снайперлик мактабининг собиқ талабалари ҳам текширувдан ўтказилади. Шунингдек, ўқишга киришлари рад этилганлар ҳам текширилади.

ПРЕЗИДЕНТ ПАРТИЯСИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Покистондаги сайловларда, расмий маълумотларга мувофиқ, амалдаги президент Парвез Мушаррафнинг партияси — Покистон мусулмон лигаси ғалабага эришган. Ушбу партия вакиллари Миллий ва тўртта вилоят ассамблеяларидаги 272 ўриндан 77 тасини қўлга киритишган. Иккинчи ўринни қувғиндаги собиқ мамлакат бош вазири Беназир Бхуттони қўллаб-қувватлаётган Покистон халқ партияси эгаллаган. Бхутто тарафдорлари ассамблеяларда 63 ўринни олишга муваффақ бўлишган.

СОҒЛИГИНГ — БОЙЛИГИНГ!

АСАБНИ АСРАГАН ЎЗИНИ АСРАЙДИ

(Давоми. Боши 3-бетда)

Мустақиллик туфайли жаҳонга машҳур фармацевтик компаниялар, тиббий техника билан савдо қилувчи фирмалар Ўзбекистонга кириб келди. Бу эса беморларнинг дори-дармонга бўлган эҳтиёжларини тўла қондиришга имконият яратди. Олимларимизнинг хорижга чиқишига, мамлакатимиз тиббиёт фани ютуқлари билан ўртоқлашишга ва жаҳон неврологияси янгиликларини олиб келишига шароит яратилди. Хусусан, академик Н.Мажидов АҚШда, профессор Б.Ғафуров Германия, Австралия, Голландияда, профессор М.Асадуллаев Англия, Покистонда, профессор Э.Миржўраев Германияда, профессор Г.Раҳимбоева Голландияда ва кўплаб бошқа олимларимиз Москва, Санкт-Петербург шаҳарларида бўлиб ўтган жаҳон ёки Оврупа анжуманларида қатнашишга мушарраф бўлишди. Профессор М.Отажонов Замбия миллий университетида бир неча йилки, кафедра мудири бўлиб ишлаяпти. Ўзбекистон неврологлари ўзларининг «Неврология» касбий журналини нашр этишмоқда. Унда амалиёт ва фан ривожи учун зарур бўлган мақолалар берилмоқда.

Ўтган йилларда ҳомиладор аёлларда, гўдакларда тез-тез учраб турадиган хасталиклар, уйқу бузилишлари сабабларини ўрганиш ва амалиётда янги тавсиялар яратиш борасида талай ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, республикамизда МДҲ мамлакатлари олимлари иштирокида учта илмий-амалий конференция ўтказилди. Муҳими, бу давр ичида неврология соҳасида 10 нафар фан доктори ва 40 нафардан зиёд фан номзодлари етишиб чиқди.

— III қурултой кун тартибига қўйилган масалалар ҳақида нима дейсиз?

— Кун тартибидаги асосий масала, энг аввало, асаб касалликларини ташҳислаш ва даволаш жараёнини янада такомиллаштиришдан иборат. Буларга эришишнинг уч йўналиши кўриб чиқилади: ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлаш, долзарб илмий йўналишларни аниқлаш, ташҳислаш ва даволаш услубларини такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш.

Қурултой соғлиқни сақлаш вазири, профессор Ф. Назиров раислигида бўладиган биринчи ялпи ва алоҳида ўтадиган 5 та бўлим мажлисларидан иборат. Уларда 100 га яқин маърузалар тингланади. Шунингдек, қўлга киритилган ютуқлар ва ҳал қилинмаган муаммолар бўйича фикр алмашилади.

Маълумки, мия инсульти касалликларидан нафақат минглаб беморлар, балки уларнинг ўн минглаб қариндошлари ҳам азият чекишади. Ҳозирги кунда инсультнинг ўткир даврида беморга тез тиббий ёрдам бериш услублари яратилганки, бунинг самараси қандай бўлаяпти? Шуларни акс эттирувчи жуда фойдали маърузалар бўлади.

— Озод ака, асаб касаллиги қандай муҳитда пайдо бўлади? Уни олдини олиш учун нималарга кўпроқ эътибор қаратилиши керак?

— Бу саволингизга қисқа жавоб бериш қийин. Лекин, умумийлаштириб айтадиган бўлсак, соғлом турмуш кечириш касал бўлмасликнинг гаровидир. Шу фикрга баъзи изоҳлар бериб ўтай: удумларимизга биноан тўй-маъракаларда ош берилади. Шу ошдан сўнг мудраб ўтирмасдан жисмоний меҳнат билан шуғулланиш лозим, умуман ҳаракатда бўлиш фақат фойда беради. Айниқса, ош ҳар куни, кетма-кет истеъмол қилинганда уларни ҳазм қилиш ўта қийин.

Кўп даражада мол, қўй ёғи истеъмол қилиш ҳам асабни ишдан чиқаради, инсультга олиб келади. Ҳозир АҚШда мол, қўй, парранда ёғлари фақат техник мақсадда ишлатилади, кимки уларни озуқа сифатида савдога чиқарса, катта жарима тўлайди.

Бошқа бир мисол: республика Саломатлик марказининг ахборотига кўра, эркакларнинг 50 фоизи ва аёлларнинг 12 фоизидан кўпроғи сигарета чекишади. Шундай экан, уларнинг асаб касалликларига чалиниши осон кечади.

Ўзбек халқининг миллий қадриятларига мутлақо зид бўлган ичкиликбозлик, гиёҳвандликни айтмайсизми?! Шуларни одат қилганларнинг, албатта, асаби бузилмай қолмайди. Хуллас, яна бир бор газетхонларимизни соғлом турмуш кечиришга даъват этмоқчиман.

■ **Суҳбатдош: Маъмуржон ҚИЁМОВ**


Юлия БОРЗОВА

14th Asian Games BUSAN 2002


Антон РИЯХОВ

ХАЛҚИМИЗ СИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Эшкак эшиш ва каноэ тури бўйича ҳамюртларимиз Осиё ўйинларидан ҳеч қачон совринсиз қайтишмаган. Эркаклар ўртасида 1000 метрга эшкак эшиш баҳсларида Антон Ряхов дастлаб бронза медалини қўлга киритганди. У 500 метр масофага бўлган беллашувларда эса маррага биринчи бўлиб етиб келди. Шунингдек, Юлия Борзова (500 метр) кумуш, Дмитрий Коваленко бронза медаллари билан тақдирландилар. Икки кишилик эшкак эшишда аёлларларимиз иккита бронза, тўрт кишилик баҳсларда эса битта олтин ва бир бронза медалларини қўлга киритишди.

Оғир атлетика бўйича даст ва силтаб кўтаришда 405 кг. натижа кўрсатган Игор Халилов кумуш медаль совриндори бўлди.

Енгил атлетикачилар баҳсида ҳам вакилларимиз муносиб кўрсаткичга эришдилар. Найза улоқтиришда Сергей Войнов, аёллар ўртасидаги (4x100) эстафетада эса Анна Казакова, Гўзал Хуббиева, Людмила Дмитриади, Любовь Перепеловалар учинчи натижани кўрсатишди.

Теннис бўйича дунёнинг кучли йигирма ракеткачиси орасидан жой олган Ирода Тўлаганова Осиё ўйинларида яна маҳорат кўрсатди. У яккалик баҳсларининг финалида таиландлик теннисчидан устун келиб, олтин медаль соҳибаси бўлди. Эркаклар ўртасида мамлакатимизнинг биринчи ракеткаси Олег Огородов чорак финалда Матомура(Япония)ни мағлубиятга учратганди. Аммо Олег ярим финалда таиландлик теннисчига имкониятни бой берди ва бронза медали билан тақдирланди. Жуфтлик баҳсларда ҳам О.Огородов — И.Тўлагановалар шоҳсупага кўтарилишди. Теннисчиларимиз бу гал бронза медали билан тақдирланишди.

«Жаҳон» АА олган суратлар

Мусобақаларда илк маротаба иштирок этган каратэчиларимиз ўз мухлисларини қувонтиришди. С. Каспўлатова (аёллар), А. Қосимов (эркаклар баҳсида) кумуш, И. Каримов эса бронза медаллари совриндори бўлдилар. Таэквондочимиз (ITF) Павел Югай ҳам шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Биз барча спортчи ва мураббийларимизни, мухлисларни спортчиларимизнинг ушбу катта ютуқлари билан яна бир бор қутлаймиз.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «Тошкент» теннис марказида ўттизинчи Осиё чемпионати бошланди. Унда Ўзбекистон, Япония, Индонезия, Хитой, Малайзия сингари ўн беш давлатдан ташриф буюрган профессионал теннисчилар иштирок этишмоқда.

Тошкентда илк маротаба ўтказилаётган мусобақанинг эркаклар баҳсларида Олег Огородов, Дмитрий Мазур, Мурод Иноятов, Дмитрий Томашевич, Вадим Куценко, Сарвар Икромов сингари ракеткачилар юртимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда. Аёллар ўртасидаги учрашувларда Оқгул Омонмуродова, Анна Шчупак, Елена Мамутова, Александра Сорокотяга, Иванна Исроилова, Наргиза Иброҳимова каби умидли тенисчиларимиз ўз омадларини синаб кўришга бел боғлашган.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари 20 октябрда аниқланади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 971
11205 nusxada bosildi
uzb ovozi@sarkor.uz.
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 90-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР
82
33
77
7
70
41
16
31
19
2
72
26
Сони: 1
Телевизор чипталар рақами
40005422.1
60001306.3

2 ТУР
29
83
85
47
22
50
21
37
30
51
55
73
Сони: 3
Сумма: 2333333
Чипталар рақами
20012363.2
50015262.3
70025673.3

3 ТУР
15
61
27
25
42
59
4
58
71
79
1
3
9
8
89
Сони: 2
Сумма: 3500000
Чипталар рақами
30008986.3
90012341.1

4 ТУР
38
28
60
17
39
10
76
36
75
86
66
64
45
40
78
44
34
12
81
48
62
13
35
67
Сони: 2
Сумма: 5000000
Чипталар рақами
10024673.3
70008791.2

5 ТУР
18
Сони: 2
Сумма: 4000000
Чипталар рақами
20037630.2
40003288.1

6 ТУР
56
Сони: 2
Видео-магнитофон
Чипталар рақами
50011374.3
80051480.2

7 ТУР
57
Сони: 3
Видео-магнитофон
Чипталар рақами
30040734.1
40059758.1
60002267.2

8 ТУР
65
Сони: 3
Видео-магнитофон
Чипталар рақами
30015412.2
50028436.3
90031808.2

9 ТУР
49
Сони: 4
Видео-магнитофон
Чипталар рақами
10009825.2
40017086.1
40062137.3
70043741.3

10 ТУР
20
Сони: 6
Видео-магнитофон
Чипталар рақами
20006273.1
20024181.1
40013827.2
70029242.1
90001742.3
90009228.2

11 ТУР
80
Сони: 6
Сумма: 2000

12 ТУР
14
Сони: 6
Сумма: 1900

13 ТУР
63
Сони: 11
Сумма: 1800

14 ТУР
84
Сони: 19
Сумма: 1700

15 ТУР
52
Сони: 21
Сумма: 1600

16 ТУР
46
Сони: 32
Сумма: 1500

17 ТУР
6
Сони: 55
Сумма: 1400

18 ТУР
54
Сони: 83
Сумма: 1300

19 ТУР
90
Сони: 131
Сумма: 1200

20 ТУР
74
Сони: 150
Сумма: 1100

21 ТУР
68
Сони: 308
Сумма: 1000

22 ТУР
87
Сони: 495
Сумма: 900

23 ТУР
53
Сони: 666
Сумма: 900

24 ТУР
24
Сони: 1208
Сумма: 900

25 ТУР
11
Сони: 1595
Сумма: 900

Қўшимча тур
Сони: 81
Сумма: 900

Халтадан чиқмаган шарлар:
5, 23, 32, 43, 69, 88

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 24 октябрдаги 92-тиражида ўйналадиган ютуқлар:

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

СВЕДЕНИЯ О ДОПОЛНИТЕЛЬНОМ ВЫПУСКЕ АКЦИЙ АО «СРЕДАЗЦВЕТМЕТЭНЕРГО»

1. Основные сведения об эмитенте

1. Полное и сокращенное наименование эмитента: **Открытое акционерное общество «SREDAZSVETMETENERGO» АО «SREDAZSVETMETENERGO»**

Отрасль: **Ремонт промышленного оборудования и приборов**

2. Организационно — правовая форма эмитента: **Акционерное общество**

3. Местонахождение и банковские реквизиты:

Полный почтовый адрес: **700042 г. Ташкент, ул. Уйгура, дом 314**

Расчетный счет в банке и код банка: **р/с 20210000200109588001 код 00491**

4. Наименование регистрирующего органа, дата и номер государственной регистрации акционерного общества: **Министерство Юстиции № 111 от 30 июня 1994 г.**

5. Уставной фонд 57 700 000 сум.

6. Выпускаемые дополнительно ценные бумаги (их количество, вид); простые именные безналичные, количество **42880 шт. на сумму 26 741 760 сум**

7. Номинал одной ценной бумаги, сум **577**

8. Способ увеличения уставного фонда: **объявленные акций, свободная продажа.**

9. Дата принятия решения о выпуске (дата общего собрания) **26 марта 2002 г.**

10. Орган управления АО, принявший решение о выпуске: **Общее собрание акционеров.**

11. Начало процесса распространения ценных бумаг: **Не ранее 10 дней с момента регистрации ценных бумаг в отделе Центра по г. Ташкенту.**

12. Окончание процесса распространения ценных бумаг: **Не позднее одного года с момента регистрации выпуска ценных бумаг в отделе Центра по г. Ташкенту.**

Проспект эмиссии зарегистрирован территориальным отделом Центра по координации и контролю функционирования ценных бумаг по г. Ташкенту № Q0525-3 от 11 октября 2002 г.

Желающие ознакомиться с проспектом эмиссии могут обратиться по адресу: г. Ташкент, ул. Уйгура д. 314, Тел.: 42-34-32, 49-40-49.

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

11 октябрь куни ўтказилган танлов савдосида:

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 10-уйда жойлашган 392-сонли «Лола» болалар боғчаси — 18 000 000 сўмга, 60 000 000 инвестиция киритиш мажбурияти билан сотилди.

Ўтган ҳафтада ўтказилган биржа савдоларида:

1 та кўчмас мулк — 14 600 000 сўмга,

19 та автотранспорт воситаси — 3 845 000 сўмга сотилди.

Жами савдо натижалари: 36 445 000 сўм.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

ОРГАНИЗАЦИЯ РЕАЛИЗУЕТ СО СКЛАДА В ТАШКЕНТЕ:

КАБЕЛЬ

(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШБ, КГ, КВВГ, ТПП, ТСВ, ПВ, АПВ, ППБН, ПУНП, и т.д.)

ЭЛЕКТРООБОРУДОВАНИЕ

ЯЧЕЙКИ, ТРАНСФОРМАТОРНЫЕ ПОДСТАНЦИИ, ДИЗЕЛЬ-ГЕНЕРАТОРЫ)

СВЕТИЛЬНИКИ

(ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ и т.д.)

ЛАМПЫ

(ЛД, ДРЛ, ДНАТ и т.д.)

ВОЗМОЖНЫ КОНТРАКТНЫЕ ПОСТАВКИ ИЗ БЛИЖНЕГО И ДАЛЬНЕГО ЗАРУБЕЖЬЯ ПО ВАШЕМУ ЗАКАЗУ

700060, г. Ташкент, ул. Нукусская, 29-д.
Дом быта "Узбекистан, 5-этаж
Тел./факс: (+99871) 136-01-54, 133-12-84, 120-09-09,
e-mail: gamma-elektro@yandex.ru